28 (462)
2005 йил 13 июль
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Маслаҳатчи масъулияти
▶ Тиниб-тинчимаган "нуроний"чилар

3
▶ Генерал Галкин манғитликлардан енгилган
▶ Боланинг кўнгли онада, онаники эса...

4
▶ Қўлма-қўл бўлган қўлёзмалар
▶ "Байтул ҳикма"ни Беруний бошқарган экан

ФАРҒОНА АЁЛЛАРИНИНГ АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУР ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар, кайвони момолар, мунис оналар, дилбар опа-сингиллар!

Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячисидир. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиёсда буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азизу мукаррамдир!

Яратувчимиз онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳатлар қуйиб кул бўлғусидир.

Аёлни она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улуғланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар. Бугун Она Ўзбекистонимиз айнан ана шу йўлдан бораётгани ҳаммамизга аён. Лекин ўзи танлаган мустақил, барқарор йўлдан бораётган мамлакатимиз тараққиёти айрим ғаразгўй бадкирдорларга хуш келмаётганга ўхшайди — шу боис улар бизнинг дадил йўлимизга ғов ташлаш пайига тушиб қолдилар. Андижон воқеалари ана шу ёвуз ниятни фош қилиб қўйди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг жасорати, халқимизни энг қалтис вазиятдан олиб чиқиш борасидаги салоҳияти, ақл-идроки, халқимиз, Андижон аҳлининг она-юртга садоқати туфайлигина ғанимлар ўз ниятларига эриша олмадилар, юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олди олинди. Аммо бир қатор бегуноҳ одамларнинг ҳам қони тўкилди. Бу қонлар хорижда туриб айрим фарзандларни ўз ота-онасига қарши қайраганларни, арзимаган чойчақага сотилиб ўз юртининг тинчини бузган, ғаламис ватанфурушларни бир кун келиб албатта тутиши муқаррардир!

Муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!

Бўлиб ўтган воқеаларга теран нигоҳ билан қарар эканмиз, тинч ҳаётимизни кўра олмаётган бузғунчилар домига илинганлар ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз эканлиги дилимизни оғритади. Ахир, уларни ҳам биз каби оналар дунёга келтирган эмасми? Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг қалтис йўлига билиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмоғимиз лозим.

Ўйлаб кўрайлик, бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар қайта тикланаётган ўзбекона қадриятларимиз, исломий маърифатимизнинг қайси жиҳатларига тўғри келади ўзи?!

Келинглар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик. Ахир, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган қисқа даврида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилмадими?!

Азалий бир ҳақиқат бор — асл ўғлон, ҳақиқий эркак бошига қилич келганда ҳам ўз онасига, синглисига, опасига, демакки, Ватанига хиёнат қилмайди! Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик! Кимларнинг авлодлари эканлигимизни бирор дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Керак бўлса, Ватан шаъни, шавкати учун жонимизни ҳам беришга тайёр фидойилар бўлайлик!

Аёл қалби мудом юрт, халқ дарди билан безовта бўлади.

Биз, фарғоналик аёллар ишонч билан, виждонимизни ўртазга қўйиб айта оламизки, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар хомтама бўлмасинлар. Ўз тараққиёти йўлидан Президентимиз Ислом Каримов етакчилигида дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз, аждодлари анъанасига содиқ қолган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Келинглар, бундан буён биз оналар — кипригимиз устида асраб-авайлаб ўстирган фарзандларимизнинг адашиб, ғанимлар қўлига тушиб қолишларига асло йўл қўймайлик! Ўзбекистон Алпомишдек алп йигитлар, Ойбарчиндек садоқатли қизлар юрти эканлигидан ҳамиша фахрланиб яшайлик!

ИЗЛАРНИ ЙЎҚОТИШ УЧУН УРИНИШ

БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва бир қатор ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг Лутфулло Шамсуддиновни Ўзбекистонга топширмаслик борасида қўяётган талаблари ноҳақ бўлиб чиқди.

Тошкент (6 июль — РИА "Новости", Абу-Али НИЁЗМАТОВ). БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва бир қатор ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг Олмаотада ҳибсга олинган Лутфулло Шамсуддиновни Ўзбекистонга топширмаслик борасида қўяётган талабларини оқлаб бўлмайди. Бу ҳақда ўтган чоршанба куни РИА "Новости"га Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан маълум қилишди.

"4 июль куни Олмаотада қўлга олинган Лутфулло Шамсуддиновга нисбатан Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг "Оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи террорчилик" ҳамда "Аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқаришга қаратилган маълумотларни тарқатиш" моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган", — дейишди Миллий хавфсизлик хизматидагилар.

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси бошлиғи Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, "Шамсуддинов республика миқёсидаги қидирувда. Ва у яна бир "ҳуқуқ ҳимоячиси" Саиджаҳон Зайнобиддинов билан қатор жиноий ҳаракатларни амалга оширган".

Жамоатчилик билан алоқалар бюроси бошлиғининг таъкидлашича, Шамсуддиновнинг 27 май куни оиласи билан Қозоғистонга учиб кетганлиги ҳақида маълумотлар "ҳақиқатга тўғри келмайди". "Шамсуддинов ва унинг оила аъзолари Тошкент аэрапортида чегара назоратидан ўтганларнинг рўйхатида қайд этилмаган".

"Қолаверса, — деди у, — тергов органларида Шамсуддинов ва Зайнобуддинов Андижон фожеаси кунларида олдин олинган бюртма асосида иш кўришганлиги ҳақида далиллар мавжуд".

Тўрақуловнинг ойдинлаштиришича, "Шамсуддинов ўз "бюртмачи"сига Андижондаги ҳолат ҳақида маълумот бериб туриши ва воқеа жойидан ёлғон маълумотлар тарқатиш учун керак бўлган".

"Ўзбекистон махсус хизматлари Шамсуддинов ва оила аъзоларининг ноқонуний йўллар билан Тошкентга олиб келинганлиги ва бу ерда дипломатик рақамли автомобилда Қозоғистонга олиб чиқиб кетилганлиги ҳақидаги рад қилиб бўлмас маълумотларга эга", — деб қўшиб қўйди МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси бошлиғи.

"Бизнинг назаримизда, ушбу факт атрофида баъзи оммавий ахборот воситалари кўтараётган шов-шув изларни йўқотиш учун қилинган ҳаракатдан бошқа нарса эмас", дея таъкидлади Олимжон Тўрақулов.

— Яна нима дейди? — "Mahalla"ни ўқимаган оқсоқол оқсоқолми? — дейди.

Муҳтарам маҳалладошлар!

Обуна — 2005

Ёдингизда бўлсинки, "Mahalla"га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ёки кеч бўлмайди. Йил бошиданоқ, ёки ўртасида, хуллас, истаган вақтингизда муштарийларимиз сафидан ўрин олишингиз мумкин.

Олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳрида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари 11 июль куни Андижонга келди.

ХАЛҚАРО ИШЧИ ГУРУҲИ АНДИЖОНДА

Дипломатлар етакчи хорижий телекомпания ва ахборот агентликларининг журналистларидан иборат катта гуруҳ ҳамроҳлигида жорий йил 13 май куни фожеали воқеалар рўй берган жойларга бордилар, қуролланган жангариларнинг кутилмаган ва сурбетларча уюштирилган ҳужумига учраган милиция пост-патрул хизмати ва Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб, ўша воқеаларнинг гувоҳлари — офицерлар ва аскарлар билан суҳбатлашдилар.

Гуруҳ аъзолари 1-шаҳар ахлоқ тузатиш колониясини кўздан кечирдилар. Бу ерда уларга маҳбуслар билан учрашиш ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериш имконияти яратилди. Улар ҳужум қилиш мўлжалланган бошқа объектларга террорчилар томонидан зўрлик билан олиб кетилган ва турли йўллар билан жангарилар сафини тарк этиб, ўз ихтиёрига биноан жазони ўташ жойига қайтган маҳбуслардир.

Гуруҳ аъзолари шаҳардаги «Исломобод», «Сой» ва «Форобий» маҳаллаларида фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан учрашдилар, оддий андижонликлар, жумладан, ғайриихтиёрий равишда ўша воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган ҳамда Қирғизистон ҳудудига олиб кетилган, лекин охир-оқибат қочқинлар лагеридан уйига қайтиб келишга муваффақ бўлган одамлар билан мулоқот қилдилар. Дипломатлар ва журналистлар террорчилар қўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, ҳарбийлар ва тинч аҳоли вакилларининг яқинлари билан ҳам суҳбатлашдилар.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари раҳбарлари ишчи гуруҳ аъзоларига терговнинг бориши, Ўзбекистон ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шаҳарда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар, дипломатлар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Йиғилганларга 13 май куни жангариларнинг ўзлари суратга олган видеолавҳалар намойиш этилди. Бу лавҳалар террорчилик ҳаракати аввалдан пухта режалаштирилганини тасдиқлайди.

Андижон марказини, шаҳар бозорини, террорчилар ёқиб юборган ва ҳозир жадал тикланаётган Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносини кўздан кечирган дипломатлар ва журналистлар андижонликлар ҳаётини барқарорлаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўз самарасини берганига ишонч ҳосил қилдилар: шаҳар тинч-осуда, одамлар кундалик юмушлари билан машғул, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда.

Шу куни халқаро ишчи гуруҳ аъзолари Тошкентга қайтиб келдилар.

ЎзА

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

"Mahalla" хабарлари

Жиззах вилояти

СОҲИЛДАГИ СЎЛИМ ОРОМГОҲ

Қуюқ дарахтлар оғушида, ерга тангадек қуёш нури тушмайдиган Сангзор дарёси соҳилида "Камолот" болалар оромгоҳи жойлашган. Ғаллаорол туманига қарашли бу ҳудудда ўқувчиларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит бор. Ўғил-қизлар малакали мутахассислар тарбияси ва назорати остида.

— Оромгоҳни оталиққа олганмиз, — дейди Андижон дон ва дуккакли экинлари илмий-тешириш институти Ғаллаорол филиали раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тошпўлат Ўринбоев. — Қўшимча жиҳозлар келтирилди. Янги мавсумга тайёрлаш учун барча чоралар кўрилди.

Оромгоҳда фақат ҳордиқ чиқариш эмас, ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Хусусан, спортнинг ўнга яқин тури бўйича мусобақалар ўтказилаяпти. Табиатнинг нодир ўсимликларидан гербарийлар тайёрланди. Тарихий жойларга саёҳат уюштирилди.

— Оромгоҳ айни кунларда иккинчи мавсум учун болажонларни ўз бағрига олган. Дарвоқе, бу ерда юз нафардан 300 нафаргача ўқувчилар қабул қилинади. Оромгоҳ тоза ичимлик суви билан таъминланган. Кутубхона ишлаб турибди, — дейди оромгоҳ раҳбари Ғафур Норқулов.

Юртбошимиз ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг албатта бахтли бўлишига имконият яратиш учун ҳамма чораларни кўраётганини мана шу оромгоҳда олиб борилаётган ишлар мисолида кўрса бўлади. Бу борада айниқса тумандаги фермер хўжаликларининг амалий кўмагидан ота-оналар миннатдор. Бундай оромгоҳлар айни пайтда вилоятнинг сўлим Зомин, Фориш, Бахмал туманларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ХОНДАМИРДА ЯНГИ ГУЗАР

Учтепа туманидаги Хондамир номли маҳаллада янги гузар бунёд этилди. Шу муносабат билан Учтепа тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда Тошкент шаҳар Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамкорликда гузарнинг очилишига бағишланган байрам тадбирини ўтказдилар.

Тадбирга ташриф буюрган мутасадди ташкилот ва идоралар ходимлари, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ҳамда маҳалла аҳли байрам дастурхони атрофида йиғилдилар. Сўзга чиққанлар кейинги йилларда маҳаллада амалга оширилаётган ижобий ишлар, ободончилик ва бунёдкорлик борасидаги ютуқлар ҳақида гапирдилар.

Шунингдек, тадбирда маҳалла фаолларига ҳамда гузарни барпо этишда қатнашган қурувчилар, уни маблағ билан таъминлаган ҳомийларга миннатдорчилик билдирилиб, уларга тантана ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚЎНҒИРОТДА ЯНГИ МАНЗИЛЛАР

Қўнғирот тумани мамлатимизда саноат ривожланган, йирик ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилаётган ҳудуд ҳисобланади. Марказий Осиёдаги ягона ва шу йилнинг III-чорагида ишга туширилаётган сода заводи шулар жумласидандир.

Устюрт саҳросининг Кийиксой мавзесида қад ростлаган мазкур гигант корхона қошида ишчилар шаҳарчаси қад ростлади. Унга Элобод номи берилиб, ҳозир бу ерда 2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Шу боис Элободда ўнлаб маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Боғ барпо қилинди.

Яқинда шаҳарчага Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсатининг қарори билан посёлка фуқаролар йиғини мақоми берилди.

Тумандаги Устюрт, Суянли, Ўрнак, Ажиниёз аҳоли пунктлари эса овул фуқаролар йиғинлари мақомига эга бўлди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

МАСЛАҲАТЧИЛАРГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Қорақалпоғистон бўлими овул фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув курслари ташкил этди. Мўйноқ, Қўнғирот, Қанликўл, Шуманай ва Хўжайли тумани вакиллари мазкур курсларнинг илк тингловчилари бўлдилар.

Улар бир ҳафта давом этган машғулотларда миллий истиқлол ғоясини аҳоли ўртасида янада кенгроқ тарғиб этиш, ёшларни ёт ва ғаразли таъсирлардан ҳимоялаш, ватанпарварлик ва она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларга миллий ва диний қадриятлар моҳиятини очиб беришга қаратилган ишлар юзасидан ўзаро тажриба алмашиб, бу борадаги билим ва малакаларини бойитдилар.

Тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Шарҳловчи минбари

ҚИРҒИЗИСТОНДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Якшанба куни Қирғизистонда президент сайлови ўтказилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, унда давлат раҳбари вазифасини бажариб келган Курманбек Бакиев 88,9 фоиз овоз олиб, ғалаба қозонган.

Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 73 фоизи иштирок этган. МДҲ кузатувчиларининг фикрича, Қирғизистондаги сиёсий тадбир мамлакат сайлов қонунчилиги доирасида, очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтган. Марказий сайлов комиссиясига сайлов жараёни ва натижасига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида шикоятлар тушмаган.

Сайлов жараёни юзлаб хорижий мутахассислар томонидан кузатиб борилди. Улар орасида БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕХҲТ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар вакиллари ҳам бор.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Илғор маслаҳатчилар тажрибаси

Андижон вилояти

ҲАР ОИЛАНИНГ ДЎСТИ...

Марҳамат туманидаги Ўқчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Кўтарма маҳалласи маслаҳатчиси Саломатхон Эрбўтаева ана шундай эътирофга лойиқ. У билан маслаҳатчи масъулияти, фаолият йўналишидаги баъзи жиҳатлар хусусида суҳбатлашдик.

— Маслаҳатчиликка менинг номзодим тасдиқланганида аввалига эплай олармиканман, деб чўчидим, — деб сўз бошлади Саломатхон. — Чунки бу вазифанинг иш йўналишлари кўп қиррали бўлиб, ўз номи билан ҳам диний, ҳам ахлоқий масалаларни ўз ичига қамраб олиши лозим. Ўзим болалар боғчасида тарбиячи мудир бўлиб ишлаганман. Аммо маҳалла — боғча эмас. Турли ёшдаги, турли дунёқарашдаги одамлар билан муомала қилишга тўғри келади. Уларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш осон иш эмас, албатта. Аммо шу орада бир воқеа рўй бердики, шундан сўнг ўзимга нисбатан ишонч пайдо бўлди.

Янги иш бошлаган кунларим эди. Кўчада кетаётсам, ёш бир келин қўлида боласи билан уйдан шошиб чиқди-да, ёнма-ён кета бошлади. Кўзларида жиққа ёш, аламзада. Ҳатто мен билан сўрашишни ҳам эп кўрмай, шаҳд билан илдамлади. Уни аста гапга солдим. Маълум бўлдики, уйидагилар билан аразлашиб қолиб, ота уйига жўнаётган экан. Бу келин икки ўт орасида қолган: тушган уйидан аччиқ устида чиқиб келган, аммо ота уйида яна бир опаси турмушдан ажраб ўтирибди. Орқага қайтишга ғурури йўл қўймаяпти...

Қўлимдан келганча келинга насиҳат қилдим, йўл кўрсатдим, уйга қайтиб бориб улардан узр сўрашга кўндирдим. Келин ортга қайтар экан, "Раҳмат опа. Ростини айтсам, боламни бир четга қўйиб ўзимни машина тагига ташлайман, деган ўй билан уйдан чиққандим. Мени тўғри йўлга солдингиз", — дея миннатдорчилик билдирди.

Аммо бу билан кўнглимнинг бир чеккасини ғашлик тарк этмади. Уйдаги гапни кўчага олиб чиққани учун яна келинни дашномга қўймайин, деб ўйлаб қолдим. Бир кун вақт топиб уларнинг қўшнисиникига бордим. Ундан қўшни келиннинг тинч-тотув турмуш кечираётганини эшитиб кўнглим таскин топди.

— **Маслаҳатчи бўлиш учун кўпни кўрган, ёши улуғ, куда-андали инсон бўлиш лозим, дейишади. Сиз эса...**

— Аслида бу гапда жон бор. Чунки баъзан келинга ҳам, қайнота-қайнонага ҳам маслаҳат беришга, насиҳат қилишга тўғри келиб қолади. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидай керакли гапни топиб, ўринли сўзласангиз, фикрингизни асосли далиллар билан тушунтирсангиз, ёшми-кексами сизни тинглашар экан. Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг ўз отинойиси бор, ўрни келса уларга суянаман.

Кўтарма маҳалласи аҳолисининг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар билан сўзлашиб, дарду ҳасратларини тинглаш, имкон қадар ёрдам бериш маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси зиммасида.

— Саломатхоннинг жонбозлиги, ташкилотчилиги, фаол аёлларни ишга жалб қила билиши маҳалламиз одамларини аҳилликка, биродарликка бошлаяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Каримжон Шерхонов. — Энг асосийси, у бугун маҳалла аҳлининг ишончини оқлаяпти. Ёшми, кексами унинг жўяли маслаҳатларига қулоқ тутади. Қолаверса, маҳаллада ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни вояга етказишда собиқ тарбиячи мудиранинг бой тажрибаси қўл келмоқда.

Зулфияхон МАНСУРОВА

Олтинкўл тумани Намуна маҳалласи фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳимоятхон Мамарасулова ўз фаолиятини маҳалла аҳолисини тўй ва маросимларга янгича кўз билан қарашга ўргатишдан бошлади. Турмушимизда ўрнашиб қолган баъзи зарарли урф-одатлардан воз кечилди.

НАМУНАнинг НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИСИ

— Ҳақиқатдан ҳам маслаҳатчиларимизнинг иш бошлаганларига бир йил бўлай деб қолди, — дейди Олтинкўл қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Юсуфжон Шокиров. — Маслаҳатчилар ўзларига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиб, ишга юксак масъулият билан киришган жойларда яхши натижаларга эришилди. Жумладан, Намуна маҳалласидаги тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тўпланган тажриба бугунги кунда тумандаги барча маҳалла йиғинлари ходимлари томонидан кенг ўрганилмоқда.

Ҳимоятхон опа ҳам дастлабки иш кунларида талай қийинчаликларга дуч келди. Маслаҳатчининг ҳар бир кўчада ўзига ёрдамчи сайлаб олгани, кўпни кўрган отахонлар, онахонлар билан бамаслаҳат иш юритгани фойдадан холи бўлмади.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири

Шакархон Алланазарованинг Қўнғирот туманидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб иш бошлаганига кўп вақт бўлмаса-да, унинг фаолиятидаги ибратли тажрибалар аллақачон туман миқёсида оммалашиб кетди.

СУРАТДА: *Ш.Алланазарова маҳалланинг ёш спортчилари билан.*

Қорақалпоғистон Республикаси

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мустақил юртимизнинг барча касб-ҳунар ва олий таълим масканлари бугун ёшлар билан гавжум. Улар ўзлари ёқтирган касбни эгаллаш, талаба бўлиш мақсадида ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

Фаолиятда янги тажриба

Фарғона вилояти

МАҲАЛЛАДА "НУРОНИЙ"

Улар ишни қандай ташкил этишаяпти?

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 978 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида "Нуроний" жамғармасининг жамоатчилик марказлари ишлаб турибди. Марказ раислари лавозимига обрў-эътиборли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар танланиб, қишлоқ ва маҳалла Оқсоқоллар кенгаши раисларининг фахрийлар билан ишловчи ўринбосарлари этиб сайланган.

Олтиариқ туманида бўлиб ўтган кўргазмали семинар йиғилиши ана шундай жамоатчилик марказлари фаолиятига бағишланди. Туманда ҳозирги кунда 73 та бундай марказлар ишлаб турибди. Улар ўз ҳудудларида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ободончилик, ёшлар тарбияси, янги иш ўринларини яратиш, тўй-маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш, ёрдамга муҳтож кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш сингари ишларда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдалар.

Туманда 12 минг 600 нафар фахрийлар яшайди. Уларнинг 161 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидир. Уруш қатнашчилари телефон тармоғидан бепул фойдаланадилар. Бундай инсонларнинг ҳар бирига ҳар йили 100-150 килограммдан буғдой тарқатилади. 250 нафар фахрийлар турли саёҳатларга бориб бепул дам олиб келишди. Туман марказида кексалар учун чойхона қуриляпти. Бу ишларни ташкил қилишда "Нуроний" жамғарасининг маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари алоҳида ҳисса қўшаяпти.

Оқбўйра қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик марказига таниқли пахтакор, меҳнат фахрийси Раҳим ота Аҳмедов раҳбарлик қилади. Қишлоқда 678 нафар фахрийлар яшайди.

Чордара маҳалласи фуқаролар йиғини ҳузуридаги "Нуроний" жамоатчилик маркази раиси Ҳокимжон Исмоилов тиниб-тинчимас одам. Унинг етакчилигида қишлоқ кексалари кўп ишларни амалга оширдилар. Маҳаллада бўлган семинар қатнашчилари дастлаб яшик тайёрлаш цехига ташриф буюрдилар. Алижон ҳожи Мирзалиев раҳбар бўлган ушбу цехда ўндан ортиқ ёшлар меҳнат қилишяпти.

Марказ ҳузурида 5 та тегирмон ишлаб аҳолининг оғирини енгил қиляпти. Улардан бири "Ризқ-рўз" хусусий тегирмонидир. Мирзажон Воҳидов хизмат қилаётган бу тегирмон довруғи бошқаларникига қараганда катта. 80 фоиз биринчи навли ун чиқариб, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиляпти.

Янгиараб қишлоғи ва Чордара маҳалласи оқсоқоллари ташаббуси билан жорий йилда 20 минг туп терак кўчатлари, 5 минг туп терак қаламчалари ўтказилди. Унинг 10 минг тупини фахрийлар экишди. Янги боғлар, узумзорлар ва хурмозорлар яратиляпти. Туман ҳокими нуронийларнинг бу саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб алоҳида қарор қабул қилди.

"Нуроний" жамғармасининг жамоатчилик марказлари иши Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Қува, Ёзёвон, Бешариқ, Бағдод, Ўзбекистон туманларида ҳам яхши ташкил қилинган. Марказлар атрофига уюшган фахрийлар янги-янги ташаббуслар билан чиқишяпти.

Толибжон ТУРСУНОВ,
Қодир ШОДМОНОВ.

Навоий вилояти

ҲАР БИР ФУҚАРО МУҲОФАЗАДА

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Халқ банки вилоят филиали ҳамкорликда "Фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш — давр талаби" мавзусида семинар ташкил этди.

Семинарда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Д. Холиқов фуқаролар муҳофазаси мамлакатимиз сиёсатининг бош масаласи эканлиги ҳақида сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги ҳамда 2002 йил 25 январдаги қарорлари асосида нафақа тайинлаш тартиблари, моддий ёрдам ва нафақаларни молиялаштириш ва маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ижтимоий нафақаларни тўлаш тартиби каби масалалар юзасидан маъруза қилдилар.

Семинар сўнгида иштирокчилар билан савол-жавоблар ва очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

МЕҲНАТ БИЛАН ЯШАРГАН МАСКАН

Бир-биридан қолишмайдиган қишлоқ маҳаллалари, кенг пахтазору ғаллазорлари бир пайтлар адоғи йўқ қақроқ чўл бўлганига ишониш қийин. Айтишларича, чўлни ўзлаштириш учун биринчи қадамни бойсунликлар қўйган, улар ертўлаларда яшаб, Беқўтон чўлларини ўз изнларига бўйсундирганлар. Дастлабки йиллар ертўлаларда кечган оғир заҳматли ҳаётда туғилган чақалоқлар балки бугунги давр одамлари — чин маънода музработликлардир.

Туман миқёсида айни пайтда элликдан ортиқ маҳаллалар 7 та қишлоқ фуқаролар йиғинига бирлашган.

Ҳайитгул опа Музработ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Раислик вазифасининг ташвиши бисёр. Ахир еттита қишлоқни ўз ичига олган бешта маҳалладаги ишлар, одамлар ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилиш йўлида югур-югурнинг ўзи етиб ортади.

Ҳайитгул Баҳодирова одамлар мушкулини осон қилишга имконият қидиради, муаммолар ечимини топади, осойишталикни барқарорлаштиради. Қишлоқда давлатманд, саховатпеша инсонлар кўп.

Ҳозир қишлоқларнинг 85 фоизи газлаштирилган. 65 фоизига тоза ичимлик суви етиб борган. Сополли тепа, Қозоқ оёқли, Қизил олма маҳаллалари жойлашган чекка қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш имконияти қидириляпти. Кўчар Холтўраев, Эргаш Асадов, Шарофат Қодирова, Мусулмонқул Эргашев, Холмўмин Умиров сингари оқсоқоллар доимо эл иши билан банд. Жумладан, Шарофат опа бошқарувидаги Сополли тепа маҳалласида 3,5 километрлик йўлга шағал ётқизилди. Тўрт хонали мўъжазгина идора биноси ҳашар йўли билан қад кўтарди. Қизил олма маҳалласи туман марказидан анча узоқда жойлашган, унга олиб борадиган йўл эса қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётарди. Маҳалла одамлари оммавий ҳашарга чиқдилар. 8 километрлик йўлга шағал ва асфальт ётқизилди. Маҳалладаги кўчма механизациялашган жамлама биноси ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг аралашуви билан бино қайта таъмирланди. Бу ишга туман халқ таълими бўлими ҳам ҳисса қўшди. Бугун эса бу масканда 55-умумтаълим мактаби жойлашди.

Сополли тепа, Тўда ва Навбаҳор қишлоқларида қурилган ҳакимлик пункти, ёқилғи қуйиш шохобчаси ҳам меҳнаткашлар манфаати йўлида хизмат қилмоқда. Дўстлик маҳалласи аҳлининг шодлиги беқиёс. Бу ерда уч қаватли бино қурилди. Биринчи қаватида озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда, иккинчи қаватидан тижорат дўконлари ўрин олган бўлса, сўнгги қавати тўй-ҳашамлар ўтказиладиган масканга айланди. Баҳор келиши билан маҳаллаларда 20 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ўнта оила янги уйларга кўчиб ўтдилар. Албатта, "Ибратли маҳалла", "Энг ибратли оила", "Энг ибратли келин" кўрик-танловлари ташаббускори ҳам туман кенгаши депутати Ҳайитгул Баҳодирова эканлиги диққатга сазовордир.

Ободон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бу йил баҳорда ҳар бир оилада камида беш тупдан ниҳол ўтказиш таклифи ўртага ташланди ва бу хайрли иш амалга оширилди.

— Кўкалам бўлса, дарахтлар яшнаб турса, кўнглинг яйрайди, — дейди оқсоқол Муҳаммад Холмўминов. — Таклифим ҳаммага маъқул тушди. 3 мингга яқин фуқаро яшайдиган 660 оила кўчат ўтқазди. Кўчалар атрофи, жамоат жойлари кўкаламзорлаштирилди.

Деҳаиболонинг уч километрлик йўлига шағал ётқизилди, қишлоқда иккита электр ўтказиш ускунаси янгиланган, 300 хонадонни электр энергия билан таъминлаш яхшиланди. Маҳаллада ошхона, чойхона қурилиб, бешта савдо дўкони ишга туширилди. Янги сартарошхона ва дорихона ҳам кишилар хизматида.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Самарқанд вилояти

Халқнинг соғлиғи учун ҳар бир инсон масъулдир. Бозорга товар ёки маҳсулот олиб чиққан сотувчи аввало унинг ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларни ва сифат сертификатини харидор кўз ўнгида кўрсатиб қўйиши лозим. Негаки, мол ёки товарнинг яроқлилик даражаси ва қандай сифатга эга эканлиги албатта истеъмолчини қизиқтиради. Шу боис харидорга бозор ва дўконлардан товар ва маҳсулотлар олаётганда танлаш ҳуқуқи берилади.

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ:

У истеъмолчига зиён келтиради! Ишлаб чиқарувчига-чи?

Рақобатбардош ва сифатли бўлган ҳар қандай товар учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлиши белгилаб қўйилган. Улгуржи маҳсулот ва товарларни катта бозорлардан олаётган дўкон сотувчилари ҳам бу қоидани унутмасликлари лозим. Айниқса, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган мол ва товарлар учун сифат сертификати, ишлаб чиқариш ёрлиғи талаб қилиниши мумкин. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорлари бажарилишини таминлаш юзасидан Пастдарғом тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими рейд текширишлари ўтказганда ноқонуний ҳолатларга йўл қўяётган савдо тармоқлари борлиги аниқланди.

Жума шаҳридаги С.Ўрдошев номли кўчада жойлашган хўжалик моллари савдо дўкони мудири Ҳасан Атаев 2005 йил 11 январь куни хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб, олинган товарлар учун харидорларга ҳеч қандай чек уриб бермасдан, сифат сертификати ва ишлаб чиқариш ёрлиғини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотаётганлиги аниқланди. Ўша куни савдо дўконига кирган харидор бўёқ ва бўяш чўткаси сотиб олди. Сотувчи харидорга олган товарлари учун назорат касса аппаратидан пул кирим қилганлиги ҳақида чек уриб бермайди. Шу вақтда Пастдарғом туман солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари келиб, дўконда мавжуд бўлган ва хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган хўжалик моллари сифатини тасдиқловчи ҳужжатни сўрашди. Дўкон мудири ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмагач, бўлим ходимлари далолатнома туздилар. Хорижда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатларга эга бўлмаган 511900 сўмлик хўжалик моллари олиб қўйилди. Сотувчи судда қилган ишидан пушаймонлигини, қарамоғида беш нафар фарзандлари борлигини билдириб, енгиллик беришларини сўради. Суд қарорига кўра бу шахс ҳуқуқбузар деб топилди. Далилий ашё сифатида олинган 511900 сўмлик хўжалик моллари давлат фойдасига ўтказилди. Ҳуқуқбузар энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жаримага тортилди.

Бу ҳолат бозорда ўтирган савдо ходимлари, дўконларда мудирлик қилаётган сотувчилар учун сабоқ бўлиши лозим. Зеро, қонунга беписанд муносабатда бўлишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Рустам ДАВРОНОВ,
Пастдарғом тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта суриштирувчиси, адлия маслаҳатчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси

Манғит шаҳри Қорақалпоғистонда катта салоҳият ва нуфузга эга. Шаҳарда 8 та маҳалла бўлиб, улар орасида Амир Темур номли маҳалла ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки маҳалла нафақат шаҳардаги кўчаларни, балки шаҳар атрофидаги Амир Темур номли ва "Тошёп" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмалари ҳудудини ҳам ўз ичига олади. Қолаверса, маҳалла Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Айни пайтда ҳудудда саккиз миллат вакилларидан иборат 5 минг 305 нафар аҳоли истиқомат қилади.

МАНҒИТдаги ОБОД МАҲАЛЛА

Ўтган йили Ҳайитгул Аҳмедова маҳаллага диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи этиб тайинланганди.

— Ишни маҳалладаги 787 нафар оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, тўй ва маросимларни камчиқим, дабдабасиз ўтказиш, миллий қадриятларни тиклаш ва сақлашга ҳаракат қилишдан бошладик, — дейди маслаҳатчи. — Бунинг учун даставвал жойларда кайвони онахонлар, табаррук отахонлар иштирокида қизиқарли мулоқотлар, учрашувлар ўрказилди.

Шунингдек, "Энг ибратли оила", "Ибратли келин", "Овулимиз қаҳрамонлари" каби кўрик-танловлар, тадбирлар маҳалла аҳолиси оғиз-бирлиги, якдиллиги, айниқса, ёшлар тарбиясида, янги оилалар мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаяпти.

Маслаҳатчи таъкидлаган мазкур ишларни амалга оширишда маҳалланинг фаол, кайвони онахонларидан Энажон Нурмонова, Гулбаҳор Раҳимова, Тўлғоной Ҳайитмуродова, Моможон Искандарова, Қизларгул Болтабоеванинг хизматлари катта экан.

Маҳалланинг фаол аёллари чегарада истиқомат қилувчи туркман миллатига мансуб хотин-қизларга гилам тўқиш, кигиз босиш каби ҳунарларини ўргатиб, 24 нафар қиз-жувонларнинг юмуш билан банд бўлишига кўмаклашдилар.

Маҳаллада "Сиҳат-саломатлик йили" дастури доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам катта аҳамият берилди. Жумладан, ҳар бир оила камида 10 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиб, уларнинг парваришини ўз зиммаларига олдилар.

Маҳалла Манғитдаги бошқа маҳаллалардан тубдан фарқ қилади. Унинг ҳудудида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ўнлаб фермер хўжаликлари жойлашган. "Тошёп" ва А.Темур номли бирлашмалардаги 59 та фермер хўжаликлари доимо йиллик шартномавий режаларни ошиғи билан бажариб келишяпти. Шу боис улар иқтисодий жиҳатдан бақувват. Ҳар қандай хайр-саховат тадбирларини ўтказишни, кам таъминланган оилаларга изчил равишда кўмак беришни йўлга қўйишган.

Бундай хайрли ишларга Ли Радион, Султонбой Янгибоев, Эшимбет Кенжаев, Каримбой Вафоев, Аширбой Аҳмедов, Аллажонажон шаҳрини ҳимоя қилган манғитликлар эди. Ана шу эрксеварлар хоки қўйилган "Минг ярим шаҳид" қабристони мазкур маҳалла ҳудудида жойлашган. Хотира ва қадрлаш кунида маҳалла аҳли шаҳид кетган ана шу аждодлари руҳини шод айлаб, қабристонни зиёрат қилдилар, ободонлаштирдилар.

Оқсоқол Бекман Аллаберганов, котиб Ўрозбой Эшмонов, посбон Раҳимбой Эрмонов ва фаоллар аҳолининг дарду ташвишларига қулоқ тутиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

— Маҳалладан нажот истаб, маслаҳат, ёрдам сўраб келган инсон умидсиз бўлиб кетмаслиги керак,—дейди фуқаролар йиғини котиби Ўрозбой Эшмонов. — Бугдойинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин, деганларидек хушмуомалалик, очиқ чеҳралик, инсон қалбига йўл топа билишда гап кўп. Бизга мурожаат қилувчиларнинг ҳожатини чиқарсак, уларнинг кунига ярасак, ғамига, қувончига шерик бўлсак, ўзимизни нафақат зиммамиздаги вазифамизни, балки инсоний бурчимизни адо этган ҳисоблаймиз.

Асилбек ИСКАНДАРОВ

Сурхондарё вилояти

Бугунги кунда юртимиз тинчлиги, турмушимиз осойишталиги учун қайғуриш барчамизнинг зиммамиздаги энг масъулиятли вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, бу борада фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маслаҳатчилари ва фаолларининг қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси ўртасида олиб бораётган тушунтириш-тарғибот ишлари самарали бўлаяпти. Жарқўрғон тумани ҳокими Норбой Шомуратов ҳам туман маҳаллаларида амалга оширилаётган ана шундай ишлардан доимо хабардор бўлиб боради. Фуқаролар йиғинлари раислари билан тез-тез мулоқот-учрашувлар ўтказиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, амалий тавсиялар беради.

СУРАТДА: *Жарқўрғон тумани ҳокими Норбой Шомуратов қишлоқ ва маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар билан мулоқотда.*

Самарқанд вилояти

Меҳр овушидаги болалар

...ОНАНИНГ КЎНГЛИ КИМДА?

Бу маскандаги болаларга меҳрни ўз ота-оналари эмас, меҳрибон одамлар беришмоқда

Меҳр — инсон кўнглида мавжланган шаффоф чашма. Бу чашмадан қонибқониб сув ичганлар ўзлари ҳам яхшилик ва эзгуликка интилиб яшайдилар. Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйидаги ораслалик, хоналардаги озодалик бу ерда меҳнат қилаётганларнинг кўнгиллари нақадар беғубор эканлигини ифодалаб туради. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётганлар турли миллат вакиллари фарзандларидир.

— Кўнгли кемтик фарзандларни тарбиялаш осон кечмайди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Зуҳра Раҳимова. — Кўзларида маҳзунлик ва мунг балқиб турган бу болаларга бу ерда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Фақат уларга ота-оналарнинг меҳри етишмайди. Чин етимлар ўз йўлига. Улар бизни худди ўз онасидай кўришади. Кези келганда билмаганларини ўргатамиз, эркаланса севиб ардоқлаймиз. Лекин ё отаси, ё онаси борларга қийин — ота-оналари уларсиз ҳаётни афзал кўргани болаларга оғир ботади. Болаларнинг кўнглини ранжитиб бўлмайди. Кимдандир бир бора хафа бўлса ўша одамнинг олдига бормасликка ҳаракат қилишади. Яхши гапирган одамларни эса ўзининг энг яқин кишиларидек билишади. Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Асрор Раҳимовни барча болалар дада дейишади. Мактабдан қайтишар экан, албатта унинг ёнидан ўтаётиб "дада, бугун мен бешта "беш" баҳо олдим, кундалигимни қаранг" деб худди эрка фарзандидек ҳисоб беради. Асрор ака ҳам "Яшанглар, баракалла" деб руҳлантириб қўяди.

Дарҳақиқат, тарбияланувчилар учун барча шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдим. Жажжилар телевизор кўришиб, радио тинглашади. Газета ва журналлар мутолаа қилиши учун барча қулайликлар яратилган. Болалар ҳар куни тўрт маҳал овқатланишади. Ошхона тоза ва шинам.

— Меҳрибонлик уйида 120 нафар болалар тарбияланишади, — дея суҳбатни давом эттирди директор ўринбосари Лола Абдуллаева. — Бу маскандаги болалар 5 та гуруҳга бўлинган. Шундан тўрттаси ўзбек гуруҳи бўлса, биттаси рус гуруҳидир. Рус гуруҳидаги болалар шаҳардаги 33-умумтаълим мактабида ўқишади. Ўзбек гуруҳларидаги ўқувчилар 66-умумтаълим мактабида фанлардан сабоқ олишмоқда. Улар дарсдан қайтишгандан сўнг турли хил тўгаракларга қатнашишади, спорт мусобақаларида иштирок этишади. "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори Зайнаб опа Ҳазирова, меҳнат фахрийси Мая Дўстова, Назира Ибрагимова, Зулайхо Назарова каби тарбиячиларимиз ўз ишининг ҳақиқий фидойилари. Болаларнинг нималарга қизиқишини, қалбларида қандай дардлари борлигини улар чин кўнгилдан ҳис қилиб туришади.

Болалар шоири Олқор Дамин ҳафтада икки марта Меҳрибонлик уйида "Наъматак" шаърият тўгарагини олиб борар экан. Иқтидорли ёшлар униб-ўсаётган бу масканда турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Тўгарак қатнашчиларидан Ҳафиза Зиётова, Озода Тўхтаева, Сабоҳат Лочинова, Роҳила Саломова, Наргиза Жўраева, Севиля Эшонқулова, Парвина Тиллаева, Маъмуржон Қўшоқов сингари ёш ижодкорлар машқлари тумандаги нашрларда чоп этилмоқда.

Шаҳардаги Ҳазора маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мухтор Ҳакимов турли хил тадбирларни ўтказишда тарбияланувчиларга беминнат кўмак бераётир.

— Бу болакайлар эрта бир куни халқимиз ва юртимизнинг фарзандлари бўлиб етишишига шак-шубҳа йўқ. Болалардаги илмга чанқоқлик, эртанги кунга ишонч шундан далолат бермоқда, — дейди оқсоқол.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

"ЙЎТАЛАДИГАН" ТЕЛЕФОН

Лос-Анжелесда фақат чекишни ташлашни хоҳловчилар фойдаланадиган антиқа телефон хизмати мавжуд.

Керакли сонни теришингиз билан ундан ашаддий кашанданинг кишини вақтимга солувчи йўтали эшитилади. Бундай телефон хизматидан бир марта фойдаланган киши папиросни қайта қўлига олмаса керак.

ЧЕКДИНГМИ? ҚАМОҚХОНАГА!

Филиппин ҳукумати жамоат жойларида чекишни таъқиқлаш ҳақида декрет қабул қилди.

Энди стадионларда, кино-театрларда ва ресторанларда чекканларга 5 кундан 7 кунгача қамоқ жазоси қўлланилади. Филиппинликлар бу таъқиқни назарларига илмадилар ва натижада барча қамоқхоналар тўлиб тошиб кетган. Икки кишилик камераларга олти кишини жойлаштиришга тўғри келяпти. Манила ҳукуматига эса қамалганлар эмас, балки уларни эплай олмаётган қамоқхона директорларидан норозилик мактублари келиб турибди.

МАКТАБДА КАШАНДА РОБОТ

Швециянинг кунгина мактабларида танаффус пайти ўзвача ўтади. Дам олишга кўнгироқ чалиниши виланоқ ўқувчилар кўкрак қафаси ялтираб турувчи роботни ўраб олишади.

"Сэм" (болакайлар унга шундай ном ҳам қўйиб олишган)нинг оғзига сигарет қистирилиши билан робот "маза" қилиб чека бошлайди. Шундан кейин ўқувчилар "кашанда"нинг ўпкаси сап-сариқ рангга айланганини ўз кўзлари билан кўрадилар. Ўқитувчиларнинг фикрича, бу тажриба кундан-кунга яхши натижа бермоқда.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

УЙ ТАЛОШ, УМР ТАЛОШ...

Ҳаёт чорраҳаларида

Маҳаллада бу оилага ҳамма ҳавас қиларди. Ота-оналарининг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга, ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирлари билан ниҳоятда иноқ ва меҳрибон эдилар. Вақти соати етиб ота-она оламдан ўтди. Опа-сингиллар ўзга хонадонларга келин бўлдилар. Ака-укалар ҳам "отадан олти бўлсанг, олти юртнинг эгасисан" деб ўзларига уй-жой қуриб, турмуш кечира бошлашди. Ота уйида эса кенжа ўғил билан катта ўғил қолди. Сиқилиб қолмаслик учун катта ҳовлининг этагидан янги уй солишди.

Ҳаёт бир маромда давом этарди. Шу орада кенжа ўғилга иш жойидан ер участкаси бериб қолишди. Ака-укалар енгни шимариб, кенжа ўғилга ҳар томонлама ёрдам беришди ва бир йилдаёқ уй тўйи ўтказиб, уни ўша ерга кўчириб қўйишди. Ота уйда қолган катта ўғил кейинги пайтларда касалманд бўлиб, оила тебратишга қийналиб қолди. Хотини билан маслаҳатлашиб, ҳовли этагидаги уйни анчадан буён сўраб юрган қўшнисига сотишга келишишди. Шу жойда шайтон йўлдан адаштирдими ёки турмуш қийинчиликлари кўзни кўр қилиб қўйдими, катта ўғил ака-укаларга маслаҳат солмади. Бундан хабар топган ака-укалар сал оғринишди, ҳарқалай ота уйи-да, лекин акаларининг қийналиб қолганлигини кўриб, ўзига маъқул бўлса бўлди, деб кўя қолишди. Фақат кенжа ўғил тўнини тескари кийиб олди. Йўқ, у ота уйининг бир парчаси сотилганига эмас, харидордан олинган пулнинг тақсимланмаганига хафа бўлди. Бу гапга олов ёқиб турган хотинининг фикрича, шиферини, ёғочини улар олган эмиш, усталарга овқатни у қилган эмиш. Аввалига кенжа ўғил катта акасининг олдига келишга ийманиб юрди, хотини қўймагач таваккал деб бир куни кечқурун ота уйига келди. Укани кўрган ака хурсанд бўлди. Дарров дастурхон тортилиб, овқат сузилди. Овқатланиб бўлгач ака-укани ёлғиз қолдириб, ҳамма бошқа хоналарга чиқиб кетишди.

— Ишларинг яхшими, ука, оиланг тинчми, рқзғордан қийналмаяпсанми? Кенжа ўғил бошлай олмай турган гапини "рўзғор" деган сўзда кўриб қолди.

— Қийналиб қолдим, ака, катта қизим контракка (шартнома демоқчи) ўқишга кирди. Пулига келганда... Ўқитмай десам, ҳар куни йиғи, ковоқ-тумшуқ...

— Ҳаммаси ўтиб кетади, ука, бизам қараб турмаймиз, ўқит.

Бу гап кенжа ўғил мақсадига йўл очиб берди.

— Раҳмат. Ўзим ҳам уй сотган экансиз, шунинг ярмини берасизми деб келган эдим. Менинг ҳам хизматим сингган, ака.

Катта ўғил гап қаёқдалигини англаб, зил кетди. "Гап бу ёқда экан-да". Ахир у ҳам қийналганидан, бир эмас икки ўғлини ўқитиш, ногирон қизини даволатиш, қолаверса, бир соғин сигир сотиб олиш илинжида юрган эди. Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган, ортиқча ҳаражат йўқ. Шундай пайтда ака нима ҳам десин. Лекин жаҳли қўзиди, хўш, шу уйни сотмаганида нима бўларди.

— Бир тийин ҳам бермайман! Бор, қаерга борсанг боравер. Уят эмасми, йиллар ўтиб менга мерос талашиб келишинг!

Ука ҳам жаҳлини бойлай олмади.

— Берасиз, бермай қаёққа борасиз. Керак бўлса суд орқали оламан.

Кейин нима бўлганини ака эслай олмади, боши қаттиқ оғриб, қон босими ошиб ётиб қолди.

Шу кундан бошлаб ака-укачилик орасига катта болта урилди. Энг қизиғи, оиланинг бошқа аъзолари ҳам иккига бўлинди. Опа ука тараф бўлса, сингил ака тараф, қолганлар ҳам дарёнинг икки қирғоғи...

Тош отишлар бошланди, жанжалу тўполонлар авжига чиқди. Судга икки ёвдай икки тарафдан бориб келаверишди. Аканинг ўғли уканинг ўғлини роса калтаклабди, у эса касалхонага тушди. Иккинчи суд бошланди. Бу жанжаллар яна узоқ давом этарди, агар қуйидаги бир воқеа рўй бермаганида.

...Қабристон қоровули Эшмат ака азонлаб катта ўғилнинг дарвозасини тақиллатди. Дарвозани очган катта ўғил қабристон қоровулини кўриб бир сесканди.

— Тинчликми, Эшмат ака, каллаи саҳарлаб, — деди у қоровулга юзланиб.

— Тинчлик ука, шу десангиз бугун эрталаб қабристонни айланиб юрсам, оталарингиз ётган қабрнинг бир томони очилиб қолибди, оддий тупроқ билан ёпиб бўлмайди. Ёнидан ғишт билан суваб чиқиш керак, шунга...

— Тушундим, тушундим ака, яхши, яхши.

Бу хабар бир пасда ака-укаларга етказилди. Ҳамма гўё оталари тирилиб кетгандек қабристонга шошиб етиб келишди. Гўрнинг бир томони ҳақиқатдан ҳам очилиб қолган, ичида оталари борми йўқми, қарашга юрак бетлашмади.

— Отамиз бизнинг бемаза ишларимизни, оқибатимиз узилганини кўриб гўрларида тик турдилар, уят ҳаммамизга, — деб ўртанча ўғил йиғлаб юборди.

Бу йиғига "отам-ай, отам-ай" дея аёллар қўшилишди. Шундан сўнг қабристондаги кичкинагина уйчадан ғишт олиб келишиб, қабрни яна ўз ҳолига қайтаришди.

Бу жанжаллардан хабардор бўлган маҳалланинг қариялари "бечора ота ётган жойида ҳам безовта бўлибди" деб қўйишди. Хуллас шу воқеа баҳона қулаган деворлар тикланди, меҳр иплари боғланди, борди-келдилар қизиди, хуллас, дарду ғамлар ариди. Ҳамма ота руҳи дастурхон атрофида ҳам, юрган йўлларида ҳам бирга эканлигига имон келтирганди. Ака-укаларнинг дастурхонида эса бир коса овқат ҳар куни отага деб сузиладиган бўлди.

Кейинчалик эса бу воқеага ишонмаганларга қабристон қоровули Эшмат ака қабр ёнига сув кўп тўпланиб, ўприлиш пайдо бўлганини айтиб берса ҳам, ҳеч ким, айниқса ака-укалар ва опа-сингиллар ишонишмади.

Ҳаётда мерос талашиб, ота-оналарни чирқиратиб яшаётган ака-укаларни кўриб, ўйланиб қоласан, одам. Тириклигимизда еру кўкка ишонмай тарбиялаган ота-она ўлгач ҳам фарзандлар тақдирига бефарқ эмаслигига эса сиз ҳам ишониб қоласиз. Зотан, меҳр-оқибат у дунё-ю бу дунёда ҳам инсонларга керак бўлган энг зарурий эҳтиёж экан.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Давр ва тақдир

ФОТИМА АЯ ҲАЁТИ ҚИССАСИ

Бу қиссадан ҳисса шуки, комил инсон ҳар қандай вазиятда ҳам иймон-эътиқодини бой бермайди

Шўролар ҳокимияти даврида, хусусан 30-йилларда атеистик тарғибот авж олдирилган, диний билимларни ва араб ёзувини ўргатган ҳар бир киши таъқиб остига олинар эди. Улар орасида зиёли, билимли хотин-қизлар вакиллари ҳам бор эди. Биз улардан бирининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Фотима Абдуқаюм халифа қизи (1892-1966) Яккабоғ туманининг Ўрта қишлоғида туғилган. Оталари Абдуқаюм халифа Зокир халифа ўғли Бухорода мадрасани битирган, чуқур билимли, диний ва дунёвий илмлардан хабардор киши бўлган. Шу сабабли ўзининг 11 нафар ўғил-қизларини болаликдан хат-саводли қилишга интилган. Айниқса, эгиз қизлари — Зуҳра ва Фотимага алоҳида меҳр билан қараган. Чунки иккаласи ҳам болаликдан зийрак, зеҳнли ва қобилиятли бўлишган. Шу сабабли оталаридан диний билимларни, араб ва форс тилларини пухта ўрганишган. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Суфи Оллаёр каби шоирларнинг кўпгина шеърларини ёддан билганлар. Кейинчалик иккалалари ҳам отиноойилик қилишган, уйларида ибтидоий мактаб очиб, болаларга араб ёзуви ва дин асосларини ўргатишган. Зуҳра ая шўро қатағонларидан тасодиф билан омон қолган бўлса, Фотима аянинг бошига кўп қулфатлар тушган.

Фотима вояга етгач, уни Ишкент қишлоғида яшовчи мулла Рўзимат (1876-1938) деган кишига турмушга беришади. Мулла Рўзимат Шаҳрисабз мадрасасини битирган, ўзига тўқ ва билимли киши бўлган. Ишкентда масжид қурдирган (ҳозир ҳам бор), тоғ бағрида катта боғ-роғлар барпо этган. Қишлоқ оқсоқоллари ҳалигача у киши яратган боғлар ўрнини "Рўзимат охунднинг боғи" дейишади.

Аммо бу бахтли ҳаёт узоқ давом этмайди. 1932 йили мулла Рўзимат қулоқ сифатида қамалади. Оиланинг бутун ташвиши 4 фарзанд билан қолган Фотима ая елкасига тушади. Шунда у уйида ибтидоий мактаб очиб, қишлоқ болаларини хат-саводли қилиш, диний билимларни ўргатишга аҳд қилади. Чунки бундан олдин у турмуш ўртоғи билан бирга Торқопчиғай қишлоғида яшовчи Абдураҳмон халифа, Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Жўра халифа сингари дин пешволарига қўл бериб, шогирд тушган, улардан отиноойилик қилишга изн олган эди. Ўша даврда Фотима аядан билим олган Неъматилла, Раҳматилла, Амиркул, Худойназар, Асадулла, Шариф исмли ўғил болалар, Дилором, Муҳтарам, Ойнахол, Муаззам, Иззат, Саломат, Моҳлар, Анор сингари қизларнинг баъзилари ҳозир ҳам ҳаёт. Улардан бири — Иззат момо шундай хотирлайди: "Биз Фотима ая ҳузурига ҳамиша катта қизиқиш билан борар эдик. Чунки ая бизга араб ёзувини, Қуръон ўқишни ўргатиш билан бирга, қизиқарли ривоятлар ва ҳикоятлар сўзлаб берарди. Яссавий, Фузулий ғазалларини ўқиганларида сеҳрланиб қолар эдик. Мен ҳозиргача у кишидек Қуръонни чиройли қироат билан ўқийдиган ва уни ўта тушунарли тарзда тавсир қиладиган кишини учратмадим."

1937 йилги қатағонлар Ишкент қишлоғига ҳам етиб келади. Бир неча комсомолларнинг чақуви билан Фотима ая шогирдларига дарс ўтиб турган пайтида қамоққа олинади. У ёшларга диний илмларни ўргатишда айбланади. Шўро суди норасида фарзандлари борлигини ҳам ҳисобга олмай, муштипар аёлни 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Бу воқеани Фотима аянинг фарзанди Асадулла Поёнов шундай хотирлайди:

— Ўшанда 10 ёшда бўсам-да, бу даҳшатли воқеани худди кечагидай эслайман. Онамни қамоққа олиб кетганларидан кейин уйимизда тинтув ўтказишди. Бор мол-мулкимизни мусодара қилишди. Араб алифбосида битилган барча китобларни бир қоп ва бир хуржунга жойлаб олиб кетишди. Кейин суриштирсак, ёқиб юборишган экан. Онам озод бўлиб келганларида биринчи бўлиб ўз китобларини сўраган эдилар. Ёқиб юборишганини эшитиб, эзилиб-эзилиб йиғладилар, сўнгра кўз ёшларини артиб: "Китобда нима айб, эй, ғофиллар..."деганлари ҳамон эсимда.

Фотима ая фарзанди Асадулла, келини ва набиралари билан. (1960 йил)

Фотима ая қамоқдаги даврларини кўп эслардилар. Тошкент атрофидаги лагерларда бўлганларида дастлаб ибодат қилишларига йўл беришмаган, ҳақорат қилишган. Аммо, Фотима ая имкон топиб, намоз ўқийверган, бошқаларга ҳам ислом дини арконларидан таълим берган, яхши хулқи, меҳнатсеварлиги билан атрофдагилар меҳри ва ҳурматини қозонган. Қисқа вақт ичида рус тилида гаплашишни ўрганиб олганлар.

1938 йили Фотима аянинг турмуш ўртоғи Мулла Рўзимат касаллиги туфайли қамоқдан озод қилинади. Аммо у уйига қайтгач, Фотима ая ҳам қамалганини эшитиб ва хонадони барбод бўлганидан азоб чекиб, бир дардига ўн дард қўшилади. Бу азоб-уқубатлар туфайли ҳаётдан эрта кўз юмади.

1941 йили Фотима аянинг ҳам қамоқ муддатини ўтаб, озодликка чиқади. Отасиз қолган фарзандларини бағрига босиб, оқ ювиб, оқ тарайди. Дунё тўғри, шафқатли одамлардан холи эмас экан. Қамалишдан олдин Ишкент қишлоғида яшовчи мулла Жаббор деган камбағал одамга бир болали сигирни соғиб ичиш учун бериб қўйган эди. Келгунича улар 4-5 та бўлибди. Мулла Жаббор аяни кўргани келиб, омонатни топширади. Фотима ая бу инсонга ва марҳамати учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Бу орада II-жаҳон уруши бошланади. Эркаклар бирин-кетин урушга кетади. Фотима ая отаси урушга кетган ва етим қолган Тоштемир, Мунаввар, Муқаддам, Манзура, Салоҳиддин, Рўзиқул сингари бир қанча болаларни боқиб вояга етказади. Ўзининг ҳам Абдуазиз ва Абдажалил исмли икки ўғли армияга олинади. Афсуски, уларнинг иккаласи ҳам фронтдан қайтмайди. Энди уларнинг оиласи ҳам Фотима ая мададига муҳтож бўлиб қолади.

Бу йўқотишлар ва қийинчиликлар Фотима ая иродасини бука олмайди. Оғир дамларда ҳам иймон-эътиқоддан қайтмайди. Худога тоат ва ибодатдан озиқ олади.

Урушдан кейинги йилларда Фотима ая фарзанди Асадулла Поёнов (1927) ва набиралари билан бирга Кенгғузар қишлоғида яшайди. Тиббий ёрдам хизмати деярли бўлмаган қишлоқда ўша йиллари доялик ҳам қиладилар. Атрофдаги қишлоқлардан ҳам аёллар турли масалаларда ёрдам сўраб унинг ҳузурига келиб турадилар. Шу сабабли аёллар у кишига "Ойим эна", "Ая", "Ой опа", "Ойхола", "Мулла момо", "Ой момо" деб мурожаат қилганлар.

— Онам бўш пайтларида мумтоз шоирлар шеърларини ёддан ўқишни яхши кўрардилар, — деб эслайди Асадулла Поёнов. — Бир куни сочлари оқариб қолганига ишора қилдим. Шу заҳоти Навоийнинг қуйидаги байтини ўқидилар:

Хазон сипоҳига эй, боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томига гар игнадин тикон қилғил...

Фотима ая Абдуқаюм қизи 1966 йили 74 ёшда Яккабоғ туманининг Кенгғузар қишлоғида вафот этганлар.

Шерали ТУРДИЕВ

Қашқадарё вилояти

ЭЪЛОНЛАР

Информационно-консультативный Центр "BOG'LOVCHI", Дочернее предприятие Мирабадского р-на меняет свой статус на Унитарное предприятие. Претензии принимаются в течении 1 месяца по тел: 132-09-65.

Частная фирма "RAMZ" М.Улугбекского р-на города Ташкента преобразована в Общество с ограниченной ответственностью "RAMZ". Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации по адресу: город Ташкент, улица Буюк Ипак Йўли, 4.

Тарих тилсими

БУХОРОнинг ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР БОЗОРИ

Тарихий манбалардан маълумки, ўтмишда Ўрта Осиёда китоб нашр этилмаган, фаннинг қайси соҳасига оид бўлмасин асарлар қўлёзма нусхалар кўчириш йўли билан кўпайтирилган. Бу нозик, машаққатли ҳамда хайрли иш илмли, тажрибали, истеъдодли, қўли гул ҳаттотлар томонидан асрлар давомида бажарилиб келинган.

Фаннинг турли соҳалари бўйича ёзилган бу қўлёзма китоблар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларига, шунингдек қўшни давлатларга чиқарилиб, китоб бозорларида сотилган. Бундай китоб бозорлари Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган шаҳарларида айниқса, кўпроқ фаолият кўрсатган. Ўша вақтларда юзлаб, минглаб қўлёзма китобларни қўшни вилоятларга чиқариб сотилишидан ташқари, Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарларидаги масжид, мадраса ҳамда мактаблар ўқувчи талабаларига етказиб берилган. Мисол қилиб, Бухорони олиб кўрайлик: шарқшунос Н.Ханиковнинг ёзишича, XIX асрнинг 40-йилларида шаҳарда 100 дан ортиқ мадраса, 365 та масжид ва яна шунча мактаблар ҳам бўлган. Қўқон ва Наманганда бундан ҳам кўп шундай билим масканлари бўлган. Булардан ташқари, хонлар, беклар, амалдорлар, йирик савдогарлар айрим зиёлилар, маърифатпарварлар ҳам ўша даврнинг йирик ва машҳур шоирларнинг бебаҳо асарларидан нусхалар кўчиртириб ўз кутубхоналарини безаганлар. Фикримизнинг далили сифатида бир нечта мисоллар келтирайлик:

XIX асрнинг 60-йилларидаёқ Ҳерман Вамбери "Алишер Навоий асарлари ҳар бир ўзбек оиласида хазина" эканлигини ҳайратланиб ёзган эди.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро шаҳрида 20 та ўзбек ва тожик олимининг шахсий кутубхонасида 10 минг нусха турли соҳаларга доир қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланган.

Китоб (битик) — бунёдкорлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўзгартирувчи мураббийдир, деган эди буюк бобокалонимиз Амир Темур.

Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси — кутубхоналар ташкил этиб, уларда минглаб ноёб китоб ва қўлёзмаларни эҳтиёткорлик билан сақлаб келганлар.

Осиёдаги энг йирик ва бой китоб бозорларидан бири Бухоро шаҳрида бўлган.

IX-X асрларда Бухоро маданий жиҳатдан юксалган шаҳар эди. Бу ерда сарой ва давлатнинг марказий идораси жойлашганлиги туфайли ақлий меҳнат аҳлларининг кўпчилиги шу шаҳарда истиқомат қилганлар. Бухорода туғилиб, болалиги ва ёшлигини шу шаҳарда ўтказган машҳур табиатшунос олим, медик, файласуф ва шоир Абу Али ибн Сино шаҳарда ажойиб китоб бозори борлигини айтади ва шундай китоб дўконларидан биридан Абу Наср Фаробийнинг "Аристотель метафизикасига шарҳлар" номли китобини уч дирҳамга сотиб олганини хабар қилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухорода эски қўлёзма китоблар билан савдо қилиш янада авж олган.

"XIX асрнинг 80-90-йилларида — деб ёзади қадимшунос ва ўлкашунос олим В.Л.Вяткин. — Бухоро Ўрта Осиёдаги энг йирик, бой ва муҳим китоб бозорларидан бири бўлган. Бу ердаги мусулмон адабиётлари — китоб, қўлёзма манбалар араб, форс ва турк тилларида бўлиб, улар орасида қимматбаҳо ва ноёблари ҳам бўлган. Бухоро бундай қўлёзма китобларнинг қадимий хазинаси ҳисобланади. Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент сингари шаҳарлардаги китоб бозорларининг биронтаси ҳам Бухоронникидай бой эмас. Бу қадимий шаҳарнинг бозор ва китоб дўконларидан ҳамда китобфурушлар қўлидан хоҳлаган китобингизни топишингиз мумкин. Бозор расталарида китоб ва қўлёзма асарлар уюлиб ётибди". Бухорода китоб бозори "Абдуллахон тими пассажида жойлашган бўлиб, бу ерда китоб билан савдо қилувчилар 25-30 кишини ташкил этади. Китобфурушларнинг ҳар бирида 20 тадан100 тагача қўлёзма китоблар бўлган, яъни, ҳар бирига ўртача ҳисобда 50-60 тадан китоб тўғри келган. Китобфурушлар қўлёзмаларни масжиду мадрасаларга ва бадавлат кишиларга сотганлар. Масалан, Ғузор беги янги қурилган мадраса кутубхонаси учун Бухоро китоб бозоридан 75. минг тангалик ҳар хил китоблар сотиб олган. Китоб расталаридан ташқари, бозорнинг турли жойларида бир нечта алоҳида китоб дўконлари бўлган.

Бухоронинг китоб бозорига Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Татаристон (Қозон) каби мамлакатлардан қўлёзмалар, тошбосма ва литографик асарлар олиб келинган. Айниқса, Ҳиндистоннинг Бомбейидан бундай китоблан қўплаб келтирилган. Афғонистон, Эрон ва Туркиядан келтирилган китобларни фақат хорижликларни ўзлари сотганлар. Хоридждан келган китоб сотувчилар карвонсаройларга жойлашиб, шу ердан китобларини кўтарасига сотганлар. Китоб дўконларида дарсликлар, қўлланмалардан ташқари, тарих, тасаввуф, адабиёт ва табобатга доир асарлар ҳам сотилган. XIX асрнинг 80-90-йилларида Бухоро китоб бозорида Хўжа Ҳофизнинг чиройли ва бенуқсон ёзилган шеърлар девони 100 рублга ёки ундан ҳам яхши кўчирилган Қуръон 300 рублга харид қилинган.

Қўлёзма китобларни хорижликлар — афғонлар, эронлар, арманлар, турклар, руслар ва бошқа миллат вакиллари сотиб олганлар. Бундай шахслар Бухорога келиб бироз муддат яшаганлар ва шу вақтда Бухоро китоб бозоридан ўзларига керакли қўлёзма асарларини сотиб олганлар. Бу ноёб қўлёзмаларни афғонлар Ҳиндистонга, арман ва турклар эса Европадаги кутубхона ва музейларга катта пулга сотиб, фойда олганлар.

Гулсара ОСТОНОВА,
тарих фанлари номзоди.



КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

унинг вакиллари қадимий ҳунармандларнинг анъаналарини сақламоқдалар

Амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бири кулолчиликнинг юртимизда бир нечта мактаблари мавжуд. Бухородаги Ғиждувон мактаби ўзининг қадимийлиги, ишланишдаги ўзига хос услублари билан ном таратган. Анъанавий Ғиждувон кулолчилик мактаби намоёндаларидан бири, катта уста Ибодулла Нарзуллаев бўлиб, унинг фарзандалари ҳамда неваралари ҳам шу касб билан шуғулланиб келмоқда. Уларнинг оиласини кулоллар сулоласи сифатида танишади. Айни кунда бу сулоланинг еттинчи авлод вакиллари ҳам шу касб билан шуғулланмоқда. Ғиждувон мактабининг гуллаб-яшнашида Ибодулло ака оиласининг ҳам ҳиссаси катта. Кулолчилик буюмларини ясаш билан бирга уларга ишлов бериб, турли ранглардаги нақшлар билан безатишади. Ранг танлашда ҳам ўзига хос рамз ва маънолар ишлатадилар.

Бу оила ҳунармандлари томонидан ишланган кулолчилик буюмлари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам ўз ихлосмандларини топган. Германия, Дания, Франция каби давлатларда И.Нарзуллаевнинг шогирдлари бор.

СУРАТДА: ***кулоллар сулоласининг яна бир вакили Алишер НАРЗУЛЛАЕВ иш жараёнида.***

Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги олдидан

"ДОРУЛ ҲИКМА" ДОНИШМАНДИ

Бундан минг йил муқаддам фаолият кўрсатган Маъмун Ака- демиясининг мустақиллигимиз шарофати ва Юртбошимиз ташаббуси билан қайтадан ташкил қилиниши юртимизнинг илмий ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли ва фидойи инсонларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган эзгу иш, муҳим қадам бўлди.

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб яшнаган. Юртимиздаги дастлабки "Дорул ҳикма" — Маъмун Академияси ҳам айнан ана шу ерда вужудга келганини доимо фахру ғурур билан эслаймиз.

Ислом КАРИМОВ

Маъмун Академиясида Абу Райҳон Беруний бошчилигида Абу Наср Ироқ, Муҳаммад Хоразмий каби кўплаб хоразмлик олимлардан ташқари Бухоро, Самарқанд, Жаид, Марв, Нишопур, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Миср, Шом (Сурия) ва бошқа мамлакатлардан келган олиму донишлар фаннинг турли соҳаларида буюк кашфиётлар қилдилар.

Тиббиёт оламида дунёга машҳур алломалардан бири Абу Али ибн Сино ҳам айни шу илм даргоҳида узоқ йиллар фаолият олиб борган эди. Аслида, унинг қобилияти, болалигиданоқ аён бўла бошлаган. Беш ёшидаёқ ўқиш ва ёзишни ўрганиб олган. У мантиқ, алжабр, қонуншунослик, фалакиёт ва фалсафа фанларини мукаммал билишга интилди. Айниқса, тиб илмини ўрганишга қунт билан ёндошди. "Қисқа муддатда бу фанда жуда илгарилаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб тиб илмидан сабоқ оладиган бўлдилар" деб ёзади Абу Али ибн Сино ўз фаолияти ҳақида.

Абу Али Ибн Сино турли касалликка чалинган беморларни даволар, улардаги хасталиклар сабабларини чуқур ўрганар эди. Натижада халқ ичида билимдон табиб сифатида доврўқ таратди. Ибн Сино ҳақидаги ҳамду санолар, шов-шувлар саройга етиб боради. Бу вақтда Бухоро амири Нуҳ Ибн Мансур оғир бетоб эди. Уни даволаш учун турли минтақалардан келган табиблар яхши натижага эриша олмайдилар. Саройга таклиф этилган Ибн Сино эса ёш бўлишига қарамасдан амирдаги касалликни аниқлаб, уни даволайди. Шундан сўнг амир Ибн Синони саройнинг бош табиби қилиб тайинлайди. У саройда ўзи кўрмаган ва мутолаа қилмаган кўплаб китоблар билан танишишга муяссар бўлади. Ўзи ҳам китоблар ёзишга киришади.

Бироқ тиббий фаолияти ва ижоди энди гуркираётган бир пайтда унинг асосий ҳомийси, маслакдоши ва дўсти бўлиб қолган амир Нуҳ ибн Мансур вафот этади. Тахтга унинг ўғли ўтиради. У табибга катта илтифот кўрсатади. Бироқ кўп ўтмай Ибн Нуҳ Мансур душманлари томонидан қатл этилади. Унинг ўрнини укаси Абдул Малик Ибн Нуҳ эгаллайди. У билан буюк табибнинг оралари яхши эмас эди. Ибн Сино саройни тарк этиб, илмий-ижодий ишларга берилади.

Қорахонийларнинг Бухорони забт этиб, Сомонийлар давлатини ағдариб ташлаши оқибатида юз берган сиёсий ўзгаришлар Ибн Синонинг ҳаёти ва тинч ижодий фаолияти учун қатор қийинчиликлар туғдиради. 1002 йилда Ибн Сино Бухорони тарк этиб Хоразмга келади. Ўша даврда Хоразм Шарқда илм-фан, маданият равнақ топган мамлакатлардан бири эди. Ибн Сино Хоразмда мамнуният билан сарой олимлари сафига қабул қилинади.

Олимни "Байтул ҳикма" академиясига ҳам таклиф қилишади. Бу ерда у ўзининг моддий аҳволини ўнглаб олиб, тиббий фаолиятини янада жўшқин ҳолда давом эттиради.

Ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ рисолалар ёзиб қолдирган. Шундан 50 таси бевосита тиббиётга дахлдордир. Олимнинг жаҳонга машҳур бўлган "Тиб қонунлари" асарининг дастлабки икки китоби ва "Дафъилмизор ал қулийа ан албадан ал инсоний" (Тадбирдаги турли хатоликлар туфайли инсон баданида юз берадиган касалликларни даволаш) каби асарлари айнан "Байтул ҳикма"да ёзилган. Ибн Синони "Байтул ҳикма" раҳбари, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний беҳад ҳурмат қилган. Уни "Байтул ҳикма донишманди" деб баҳолаган. Бу бежиз эмас. Негаки, Ибн Сино инсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ, фалсафага оид "Донишнома" китобини ҳам айнан Хоразмда, Академияда хизмат қилиб юрган чоғида ёзиб қолдирган.

Сурайё ОТАЖОНОВА,
1-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали талабаси.

Пойтахт қиёфаси мазмуни

ХИЁБОНДА ЯШАР ФАХРИМИЗ

Пойтахтимиздаги марказий Амир Темур хиёбонидан ёз мавсумида одам аримайди. Бу ерга келувчи пойтахт ва юртимиз аҳли, қолаверса, хорижлик сайёҳлар боғдаги кўркам манзара оғушида ҳордиқ чиқариш билан бирга, бу ердаги муҳташам иншоотларни, ўзида ўтмиш ва бугунги кун манзарасини акс эттирувчи масканларни ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

Амир Темур хиёбони айлана шаклида бўлиб, унинг атрофида "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, "ЎзДэу" банки, Амир Темур ва Темурийлар тарихи давлат музеи, Тошкент Давлат юридик институти бинолари қад ростлаган. Хиёбон марказида эса буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали салобат тўкиб турибди. Энг эътиборлиси, хиёбонни чор атрофдан ўраб турувчи ушбу иншоотларнинг ҳар бири ўз тарихи ва нуфузига эга.

Хиёбон кўркига кўрк қўшувчи "Ўзбекистон" меҳмонхонаси ўзбек халқи меҳмондўстлигининг намунасидир. Ўн етти қаватли ушбу меҳмонхона хиёбоннинг айлана шаклига тўла мос келади. Унинг кўриниши очилган ҳолдаги китоб шаклини ёдга солади. Меҳмонхонанинг олд томони нақшинкор мармар панжара билан қопланган бўлиб, у бинони иссиқдан, қуёшнинг аёвсиз нурларидан ҳимоя қилади. Шунингдек, иншоотга миллий кўриниш бағишлайди.

Меҳмонхона олдидан ўтган йўлнинг нариги бетида "ЎзДэу" банки биноси жойлашган. Банк биноси 1875 йилда архитектор Генцельман томонидан қурилган. Муҳим жиҳати у юртимизда фаолият бошлаган дастлабки банклардан бири ҳисобланади.

Хиёбонга миллийлик ва кўҳна юрт нафасини келтириб турган яна бир салобатли бинолардан бири Амир Темур ва Темурийлар тарихи давлат музейидир. У буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб 1996 йилда очилган. Музей экспозицияси 2 мингдан ортиқ экспонатлардан ташкил топган.

Хиёбон маркази сари йўл оламиз. Бу ерда жасур саркарда, адолатли шоҳ, юртимизнинг муносиб фарзанди Амир Темур ҳайкалини кўриб кўнглимиз фахрга тўлади. Камол ва Илҳом Жабборовлар томонидан ишланган бобокалонимиз ҳайкали хиёбонга 1993 йилда ўрнатилган. Ҳайкал турган тагкурси мармардан, ҳайкалнинг ўзи эса бронзадан ясалган. Ҳарбий кийимдаги қурол-яроқсиз суворий (Амир Темур) ўнг қўлини баланд кўтариб, халқига мурожаат қилмоқда. Буюк саркарда қўлида қурол йўқлиги бежизга эмас. Биз биламизки, курол-аслаҳа қадимдан уруш ва қон тўкиш воситаси ҳисобланган. Халқ билан юзма-юз мулоқотда шоҳнинг қўлида қурол бўлиши унинг юртдошларига нисбатан ҳурматсизлиги ҳисобланган. Ҳайкалнинг пастки қисмида Амир Темур бутун умри давомида амал қилиб келган "Куч адолатда" деган шиор ёзилган.

Хиёбонда жойлашган Тошкент Давлат юридик институти биноси ҳам анча қадимий. Ўтган асрда бу ерда аёллар ва эркаклар гимназияси жойлашганди. Кейинчалик бу бино Ўрта Осиё Давлат университетининг юридик факультетига айлантирилган эди. Айни пайтда ушбу илм даргоҳи биноси ўтмиш ёдгорлиги сифатида ҳам эъзозланади.

Ирода ИЛҲОМОВА,
ЎзМУ талабаси

Танлов якунланди

ЛАПАР КУЙЛАБ, ЎЛАН АЙТИБ...

ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА/. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида лапар ва ўлан ижрочилари республика биринчи фестивали якунланди. Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания ташаббуси билан ўтказилди.

Ўлан ижрочилари орасида Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшовчи ҳаваскор хонандалар Турдиали Пардаев ҳамда Кимёхон Қосимхонова биринчи, андижонлик Марҳабо Сатторова ҳамда Баҳодиржон Исмоилов иккинчи, жиззахлик Мамлакат Бўронова ҳамда Бахтиёр Ҳакимов учинчи ўринга лойиқ топилди.

Лапар ижрочилиги бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туманидан Яйра Ҳасанова ҳамда Муҳайё Султонова биринчи, наманганлик Ёқутхон Раҳматуллаева ҳамда Қундузхон Эгамбердиева иккинчи, Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани маданият уйи лапарчилар гуруҳи учинчи ўринга сазовор бўлди.

СУРАТДА: *Ўлан ижрочилари орасида ғолиб Кимёхон Қосимхонова*

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Бошлаган ишларингизга қанчалик жиддий ёндошсангиз, улар шунчалик самарали ва омадли якунланади.

СИГИР(22.04-20.05)
Оила аъзоларигиз ва қариндошларингиз меҳрибонлигидан ғайратингиз янада ортади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сайёҳат ёки сайрдаги нохуш воқеаларнинг олдини олишни истасангиз, энг аввало майда тартибсизликларга йўл қўйманг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Ўз фикрингизни билдиришда эҳтиётроқ бўлинг. Акс ҳолда обрўингиз тўкилиши ҳеч гапмас.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда молиявий ишларда ҳар доимгидан ҳам эҳтиёт бўлолсангиз, кейинроқ яхши натижа билан мақтанишингиз мумкин бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Сиз учун муҳим бўлган масалалар муҳокамасини асло дам олиш кунларига қолдирманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин кунларда оила аъзоларингизга қандай яхши ҳислатлар соҳиби эканингизни кўрсата олиш имкониятига эгасиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунлар шартнома ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун жуда ноқулай. Таваккал ишдаги йўқотишлар қайта тикланмайди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Асоссиз маълумотларни амалда қўллаш сизнинг обрўингизни тушириши, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Молиявий масалалар муҳокамасида алданиб қолишингиз мумкин. Аммо бу нарса сизга катта сабоқ бўлади.

КОВҒА (20.01-18.02)
Меҳмондорчиликка отлана туриб ҳар қандай қалтис ёки нохуш вазиятга тайёргарлик кўриб олишни унутманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ушалмас орзуларга берилишдан кўра зиммангиздаги муаммолар ечимини топиш сиз учун муҳимроқдир.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими Мирзо Улуғбек тумани 8-Бўз маҳалласи оқсоқоли Нуриддин Умаровга ўғли **АБУБАКИР**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таҳнаберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7056 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-624 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5 6